Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

22-ЙИЛ ЧИҚИШИ

№ 33 (5382).

15 ФЕВРАЛЬ ШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ—АНГЛИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

13 февраль куни Кремлда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико билан Буюк Британия Бош министри Г. Вильсон ҳамда ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри Ж. Каллагэн ўртасида музокаралар бошланди.

Халқаро кескинликни юмшатиш, Европада ва бутун дунёда халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ўзаро тинч, тенг ҳуқуқли ва бир-бирларига наф келтирадиган ҳамкорликни ривожлантириш масалалари диққат марказида турди.

Тарихий аҳамиятга эга бўлган ана шу вазифаларни ҳал этишга Совет Иттифоқи билан Буюк Британиянинг ўзаро конструктив ҳатти-ҳаракатлари муҳим эканлиги таъкидланди. Шу билан бирга ҳар иккала томоннинг Совет Иттифоқи билан Буюк Британия ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий соҳаларда ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга куч-ғайрат сарфлашни истаётганлиги изҳор қилинди.

Музокаралар ишчанлик ва конструктив вазиятда ўтмоқда.

Музокараларда қуйидагилар ҳам қатнашди: совет томонидан —СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари И. В. Архипов, СССР ташқи савдо министрининг биринчи ўринбосари М. Р. Кузьмин, КПСС Марказий Комитети Бош секретарининг ёрдамчилари А. М. Александров, А. И. Блатов, СССРнинг Буюк Британиядаги элчиси Н. М. Луньков, СССР ташқи ишлар министрлиги коллегиясининг аъзоси В. П. Суслов;

Англия томонидан —Бош министр кабинатининг секретари сэр Жон Хант, ташқи ишлар министри доимий ўринбосари сэр Жон Киллик, Буюк Британиянинг СССРдаги элчиси сэр Теренс Гарви, Бош министрнинг катта ёрдамчиси Р. Т. Армстронг, Бош министрнинг матбуот секретари Ж. Т. У. Хейнц ва бошқа расмий кишилар. (ТАСС).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ, ВЦСПС ВА ВЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба Союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети 1974 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун иттифоқдош ва автоном республикалар, ўлка ва областлар, шаҳарлардаги районлар ва шаҳарлар, районлар ҳамда миллий округларнинг, саноат, қурилиш ва транспорт ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларини, қишлоқ хўжалик ходимларининг деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тайёрлашни кўпайтириш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунларини қараб чиқдилар. Бу масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, Бутуниттифоқ касаба Союзлари Марказий Совети ва ВЛКСМ Марказий Комитети қуйидагиларни Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг голиблари деб топдилар ва уларни КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари билан мукофотладилар:

1974 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юксак натижаларга эришганликлари учун.

Иттифоқдош республикалар

РСФСР,
Украина ССР,
Белоруссия ССР,
Ўзбекистон ССР,
Грузия ССР,
Озарбайжон ССР,
Молдавия ССР,
Эстония ССР;

Автоном республикалар, ўлка ва областлар

РСФСРдан— Дағистон АССР, Мари АССР, Краснодар ўлкаси, Хабаровск ўлкаси, Белгород области, Волгоград области, Воронеж области, Горький области, Иваново области, Куйбишев области, Ленинград области, Магадан области, Москва области, Мурманск области, Оренбург области, Ростов области, Саратов области, Свердловск области, Смоленск области;

Украина ССРдан — Днепропетровск области, Донецк области, Запорожье области, Иваново-Франковск области, Киев области, Полтава области, Херсон области, Черкасс области, Чернигов области;

Белоруссия ССРдан — Брест области; Гомель области;

Ўзбекистон ССРдан — Андижон области, Сирдарё области, Тошкент области;

Қозоғистон ССРдан — Актюбинск области, Мангишлоқ области, Тўрғай области, Уральск области;

Грузия ССРдан — Ажария АССР;

Озарбайжон ССРдан — Тоғли-Қорабоғ автоном области;

Қирғизистон ССРдан — Ўш области;

Тожикистон ССРдан — Ленинобод области;

Туркманистон ССРдан — Чўржўй области;

1974 йил халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида саноат, қурилиш ва транспорт корхоналари энг юксак натижаларга эришганлиги учун — Қозоғистон ССРга;

Москва шаҳрига, Ленинград шаҳрига, Бошқирдистон АССРга, Татаристон АССРга, Красноярск ўлкасига, Олмаота областига, Новосибирск областига, Омск областига, Челябинск областига.

Қуйидагилар голиблар деб ҳисобланди ва КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ҳамда пул билан мукофотланди:

100 шаҳар ва шаҳарлардаги районлар;

230 район ва миллий округ;

корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, қурилишлар, илмий тадқиқот ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг 752 коллективи;

колхозлар ва совхозлар, хўжаликлараро корхоналар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари, илмий тадқиқот муассасаларининг 742 коллективи.

Шу жумладан Ўзбекистон ССР Тошкент областидан шаҳарлар ва шаҳарлардаги районлар, корхоналар, ишлаб чиқариш бирлашмалари, қурилишлар, илмий тадқиқот ташкилотларни ва бошқа ташкилотлар:

Олмалиқ гўшт комбинати.

«Сельхозтехника»нинг Юқори Чирчиқ тажриба заводи.

Нон маҳсулотларининг Тошкент шаҳар реализация базаси.

Ленин орденли В. И. Ленин номли Олмалиқ кон-металлургия комбинати.

Ангрен керамика комбинати.

«Узглавлесбумснабсбит» республика базаси.

Ўрта Осиё темирйўли.

«Ўзбекшахтострой» қурилиш трести, Ангрен шаҳри.

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент кабель заводи — «Ташкенткабель».

Автомобиль транспорти министрлигининг марказлаштирилган тартибда юк ташиш Тошкент шаҳар ишлаб чиқариш автомобиль трести.

«Главташкентстрой»нинг Тошкендаги 1-уйсозлик комбинати.

«Средазтепломонтаж» трести.

«Средазуголь» комбинатининг 9-шахтаси, Ангрен шаҳри.

Районлар, миллий округлар, колхозлар, совхозлар, хўжаликлараро корхоналар ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ҳамда ташкилотлари, илмий-тадқиқот муассасалари:

Тошкент областидан

Қуйи Чирчиқ райони.

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхози.

Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози.

Бекобод районидаги «2-Далварзин» совхози.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети партия, совет, касаба союз, комсомол ва хўжалик органларига 1974 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг якунларини чуқур таҳлил этиш, мусобақа голибларининг тажрибасини умумлаштириш ва ёйишни, шу мақсадда оммавий пропаганда ва ахборот воситаларидан кенг фойдаланишни топширдилар. КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленумининг қарорларига ва КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатига мувофиқ, мусобақани ташкил этишни янада яхшилаш, 1975 йил планлари ва социалистик мажбуриятларини тўла ва ошириб бажаришни таъминлаш чораларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш керак.

* * *

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети 1974 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг голибларини қизғин табриклайдилар ва саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ҳамда транспорт ходимлари умумхалқ социалистик мусобақаси байроғини янада баланд кўтарадилар, 1975 йил топшириқларини муддатидан илгари бажариш ва умуман тўққизинчи беш йилликни муваффақиятли тугаллаш учун бутун куч ва бидимларини сарф киладилар, деб ишонч билдирадилар.

Суратда: музокаралар пайтида. ТАСС фотоси.

ОЛИЙ МАРТАБАЛИ МЕҲМОН ШАРАФИГА

СССР ҳукумати 14 февраль куни Катта Кремль саройида Буюк Британия Бош министри Гарольд Вильсон шарафига нонушта зиёфат берди.

Зиёфатда Буюк Британия Бош министри билан бирга Ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари министри Ж. Каллагэн, Бош министрга ҳамроҳ бўлган бошқа расмий кишилар бор эдилар.

Совет томонидан зиёфатда Л. И. Брежнев, А. А. Громико, А. П. Кириленко, А. Н. Косигин, Д. С. Полянский, А. Н. Шелепин, П. Н. Демичев, Б. Н. Пономарев, К. Ф. Катушев ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари И. В. Архипов, Н. К. Байбаков, В. Э. Димшиц, В. А. Кириллин, М. А. Лесечко, В. Н. Новиков, И. Т. Новиков, З. Н. Нуриев, Н. А. Тихонов, СССР министрлари, СССР давлат комитетларининг раислари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев нутқ сўзлади.

(Л. И. Брежнев ҳамда Г. Вильсон нутқларини иккинчи бетда ўқийсиз).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ДЕКАБРЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

14 февралда Тошкент область партия комитетининг V Пленуми бўлиб ўтди. Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари **М. М. Мусахонов** «КПСС Марказий Комитети декабрь (1974 йил) Пленуми ва область партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Тошкент области меҳнаткашлари барча совет кишилари сингари шу кўнларда ўтган йил декабрь ойида бўлиб ўтган КПСС Марказий Комитети Пленуми қарорларидан руҳланган ҳолда фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Пленумда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг сўзлаган чуқур мазмунли ва ёрқин нутқи янги галабаларга отлантирмоқда.

Пленум қарори, ўртоқ Л. И. Брежневнинг программ нутқи меҳнаткашларимиз олдида турган катта вазифаларни бажаришда конкрет йўл-йўриқ бўлиб, халқимизнинг ижодий активлигини ошириб юборди.

Коммунистик қурилиш соҳасида биз эришаётган ютуқларнинг барчаси КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги Сиёсий Бюронинг кўп қиррали ва аниқ бир мақсадга қаратилган фаолияти билан узвий равишда боғлангандир. Бу фаолият жонажон Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қувватини янада мустаҳкамлаш, Тинчлик программасини ҳаётга изчиллик билан татбиқ этиш, совет кишиларининг турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга қаратилган.

Коммунистлар, Тошкент областининг барча меҳнаткашлари декабрь Пленуми қарорини, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатини зўр қониқиш билан маъқуллаб, ва бу ҳужжатларни жанговар иш программаси сифатида қабул қилдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг яқинда бўлиб ўтган XVII Пленумида республика партия ташкилотининг КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларини муҳокама қилди. Пленумда КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов доклад қилди.

Докладда қайд қилиб ўтилганидек, республикамиз эришаётган ютуқларнинг барчаси — бу ишчилар синфи, шонли деҳқонларимиз, халқ интеллигенцияси, совет хотин-қизлари, бизнинг ажойиб ёшларимиз, кўп миллатли Ўзбекистонимиздаги барча меҳнаткашларнинг қаҳрамонона меҳнати, партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари катта ташкилотчилик ишларининг натижасидир.

Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVII пленуми қарорларида белгилаб берилган амалий тадбирларни тўла маъқуллаймиз ва Уларни муваффақиятли ado этиш учун барча зарур чораларни кўрамиз.

Областимизда ўтган тўрт йил давомида саноат ишлаб чиқариши ҳажми топширқдаги 34,3 процент ўрнига 39,8 процент, меҳнат унумдорлиги 25 процент ўсди. Пландан ташқари 400 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Янги техника, илғор технологияни жорий этиш, эскириб қолган ускуналарни модернизациялаш ва янгилари билан алмаштириш соҳасида бир мунча ишлар қилинди. Булар маҳсулот етиштиришни анча кўпайтириш ва сифатини яхшилаш имкониятини берди.

Кам ҳаражат қилиб, кўп ва сифатли маҳсулот етказиб бериш шиори остида мусобақалашиш ҳар бир коммунист, ҳар бир меҳнаткашнинг жонажон ишига айланиб қолди. Бу шиор ҳар бир меҳнат коллективининг иш мазмунини белгилаб бермоқда.

Область партия комитети, шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари КПСС Марказий Комитети декабрь Пленуми қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежнев нутқида белгилаб берилган вазифалар асосида оммавий-сиёсий ишларни аниқ бир мақсадга йўналтириб, ишлаб чиқаришга фан ва техника ютуқларини тезроқ жорий этиш, оммаларнинг меҳнат активлигини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, илғор технологияни жорий этиш, тадбирларини амалга оширмоқдалар.

Область саноати муддатидан илгари, 23 декабрда кўпгина маҳсулот турлари бўйича ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик плани бажарилди. Пландан ташқари 130 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди.

Ўтган йили 1973 йилдагига нисбатан 10 процент кўп ёки 720 миллион сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилди.

Ўртасарой кони, Ўзбекистон металлургия заводида сирланган идишлар ишлаб чиқарадиган цех, Ангренда резина комбинатининг биринчи навбати, мебель комбинати, Тошкентда чинни заводининг янги қувватлари ва қуёш нурини тўсувчи қурилмалар ишлаб чиқарадиган завод, Қибрайда алкоголсиз ичимликлар-пиво комбинати, 10 минг бош қорамолни сўқимга боқадиган еттинчи совхоз комплекси сингари йирик объектлар ишга туширилди.

Шунингдек, 762 минг квадрат метр турар-жой ҳамда социал ва маданий-маиший хизматга мўлжалланган кўплаб объектлар фойдаланишга топширилди.

Транспорт, алоқа, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ва ташкилотларининг коллективлари зиммага олган мажбуриятларини муваффақиятли уддаладилар.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ҳам салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Пахта ҳосилдорлиги муттасил ортиб бормоқда. Ўтган беш йилликнинг тўрт йилдагига нисбатан бу беш йилликнинг тўрт йилида ҳосилдорлик деярли 10 центнерга кўтарилди ва 1974 йилда 32 центнердан ортиб кетди. Ўтган тўрт йилликда ундан олдинги тўрт йилликдагига нисбатан пахтанинг ялпи ҳосили 300 минг тоннадан ортиқ кўпайди, пилла 1700 тоннага, шоли 49 минг тоннага ортди, маккажўхори етиштириш беш баравар, тухум олиш 2,5 баравар ортди. Ҳар бош соғин сигирдан олинадиган сут 1969 йилдагига нисбатан 1000 килограммдан ортиқ кўпайди. Гўштга топшириладиган қорамолларнинг ўртача вазни 100 килограмм данга ошди.

Беш йилликнинг белгиловчи йилида социалистик мусобақа кенг кулоч ёйди. Меҳнат коллективларининг ажойиб ватанпарварлик ташаббуслари кўпайди. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар ўзларининг куч-ғайратларини техника-иқтисодий кўрсаткичларни анча юксалтириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга сафарбар этдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленумида ўртоқ Ш. Р. Рашидов қилган докладда Тошкент область партия ташкилоти ишига юксак баҳо берилди, саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасида юқори кўрсаткичлар қўлга киритилганлиги қайд қилинди. Бу юксак баҳо ва самимий сўзлар кучимизга-куч, ғайратимизга-ғайрат қўшиб юборди.

Партиямиз Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси партиямизда чинакам ленинча иш услубининг барқарор топишига эришдилар.

Область партия ташкилоти, область партия комитети ўз ишида КПСС Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневдан ўрганиб келмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси бизга ўрнак бўлаётир. Биз ундан Коммунистик партияга, совет халқига хизмат қилишни ўрганмоқдамиз. Бизнинг республикамиз партия ташкилоти раҳбарлигида улкан ютуқларни қўлга киритди. КПСС Марказий Комитетининг катта ёрдами туфайли кенг миқёсдаги йирик масалалар муваффақиятли ҳал этилмоқда. Ана шу давр ичида саноатимиз, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, фан ва маданият соҳасида қандай улкан қадамлар ташланганлигини яна бир тасаввур қилиб кўринг, бунинг гувоҳи бўласиз.

КПСС Марказий Комитети ишчилар, деҳқонлар, интеллигенциямиз ва бутун республикамиз партия ташкилоти қаҳрамонона меҳнатини қанчалик юксак баҳолаётганлигини яхши биламиз. Фақат шу йилнинг ўзидагина минглаб меҳнаткашларга юксак мукофотлар берилди, шу жумладан Тошкент областидан 750 киши тақдирланди. Munavvarxon Исҳоқова эса Социалистик Меҳнат Қаҳрамони деган юксак унвонга сазовор бўлди.

Тошкент области меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети декабрь (1974 йил) Пленуми қарори, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаатида белгилаб берилган вазифаларга амал қилиб, беш йилликнинг якунловчи йили учун юксак социалистик мажбуриятларни қабул қилдилар. Маҳсулот реализация қилиш ҳажми ва буюмларнинг кўпгина турларини ишлаб чиқариш бўйича пландларни муддатидан илгари 25 декабрда бажаришга сўз бердилар. Пландан ташқари 180 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинади. Ўтган йилдагига нисбатан саноат ишлаб чиқариши ҳажми 10 процент, беш йилликда эса 1,5 баравар кўп бўлади.

Меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, уни реализация қилиш ҳисобига фойда олиш топшириғини ортиги билан бажариш кўзда тутилмоқда. 110 хилдаги саноат маҳсулоти Давлат сифат белгиси аттестациясига тақдим этилади. Қурилиш-монтаж ишлари йиллик плани умуман 27 декабрга, қишлоқ жойларидаги объектлар бўйича эса 26 декабрга бажарилади. Енгил ва озиқ-овқат саноати объектлари муддатидан илгари фойдаланишга топширилади. Турар-жой қурилиши плани муддатидан илгари бажарилади.

Қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари 430 минг тонна пахта етиштириш ва давлатга топшириш мажбуриятини олдилар. Ана шу ҳосилнинг тўртдан уч қисми машиналарда териб олинади.

Ўтган йилдагига қараганда анча кўп галла, сабзавот, картошка ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрланади. Ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сут 3 минг килограммга етказилди. Давлатга 98 минг тонна сут, 29 минг тонна гўшт, 172 миллион дона тухум сотилади.

Лекин, деб давом этди докладчи, эришган ютуқларимиз қанчалик салмоқли бўлмасин, ишимиздаги жиддий камчиликларни ҳам тан олишимиз керак. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVII пленумида ўртоқ Ш. Р. Рашидов қилган докладда айтиб ўтган танқидий фикр-мулоҳазаларни мутлақо тўғри, деб ҳисоблаймиз.

Саноатнинг айрим тармоқлари тўрт йил давомида орқада қолди. Бу—химия саноати, қора металлургия, ўрмон ва ёғочни қайта ишлаш саноатига тегишлидир. Трансформаторлар, минерал ўғит ишлаб чиқариш топшириқлари ҳам бажарилмаяпти. Енгил ва озиқ-овқат саноати ҳам ҳозиргача беш йилликнинг контроль рақамларида белгиланган даражага кўтарилмади.

Бизда маҳсулотни реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва бошқа кўрсаткичлар бўйича планни бажараолмаётган корхоналар ҳам бор.

Ўтган йили ҳар олти корхонадан деярли ҳар бири гарчи пландаги бажарган бўлсада 1973 йилдагига нисбатан саноат маҳсулота ишлаб чиқариш ҳажмини камайтириб юборди. Бу нормал аҳвол деб бўладими?!

Кўпгина корхоналар айниқса, машинасозлик ва метални қайта ишлаш корхоналарида анча-мунча иш вақти исроф бўлмоқда. Сменаларнинг самарадорлиги паст. Янги техника ва илғор технологияни жорий этиш, эскириб қолган ускуналарни ўз вақтида алмаштириш юзасидан жиддий чоралар кўрилмаяпти. Бир қатор тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш қувватлари суст ўзлаштирилмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми партия органлари, министрликлар ва идораларнинг диққат-эътиборини халқ истеъмоллари товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқларни ривожлантиришни янада тезлаштириш зарурлигига жалб этди.

Бизнинг областимизда тўрт йил давомида бу тармоқлар бўйича 20 дан ортиқ йирик объект фойдаланишга топширилди. Бироқ шуни қайд қилиш керакки, КПСС XXIV съезднинг халқ истеъмоллари товарлари ишлаб чиқарадиган тармоқларни тезкорлик билан ривожлантириш тўғрисидаги директивраси тўла равишда бажарилаётгани йўқ.

Бизни маданий-маиший эҳтиёж ва хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатиладиган товарлар ишлаб чиқаришда рўй бераётган қолоқлик ташвишлантиради.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишга ёрдам бераётган омиллардан бири техника савияси ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини кўтаришдир.

Бизда юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун барча имкониятлар бор. Бироқ, кўпгина корхоналарнинг коллективлари маҳсулот сифатини яхшилаш учун астойдил кураш олиб бормаётирлар. Янги буюмларни ишлаб чиқариш планлари барбод бўлмоқда.

Меҳнаткашлар бизда ишлаб чиқарилаётган кўпгина товарлар, шу жумладан кийим-кечак, пойафзал, мебель ва нон-булка маҳсулотлари сифатининг пастлиги тўғрисида ҳақли равишда шикоят қилмоқдалар. «Союзхлопкомаш» бирлашмаси, «Ташгазаппарат», 3-тикув, 2-пойафзал фабрикалари ва бир қатор озиқ-овқат корхоналари сифатсиз маҳсулот топширмоқдалар.

Бошланғич партия ташкилотлари ана шу корхоналар фаолиятини назорат қилиб боришлари, коммунистларни ишлаб чиқаришни юксалтиришга, планларни ўз вақтида бажариб, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга сафарбар этишлари лозим. Ўз навбатида шаҳар, район партия комитетларининг ҳам амалий ёрдами зарур. Раҳбарларга бўлган талабчанликни кучайтириш лозим.

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, бунинг учун эса илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, меҳнатни ташкил этиш ва бошқаришнинг илғор методларини жорий этиш партия ташкилотларининг диққат марказида бўлиши лозим.

Беш йилликнинг якунловчи йилида барча тармоқлар, барча корхоналарнинг бир меъёрда ишлашини таъмин этайлик. Улар планни ва социалистик мажбуриятларини ошириб бажаришга эришсинлар.

Докладчи капитал қурилиши масаласига ўтар экан, 1974 йилда бир қатор қурилиш коллективлари яхши натижаларга эришганлигини қайд қилди. «Главташкентстрой»нинг кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди, 160-трест, «Ташкентводстрой» трести коллективлари қурилиш-монтаж ишлари таннархини арзонлаштириш планларининг бажарилишини таъминладилар.

Илгаригидек, «Ўзбекшахтастрой» трести мусобақада пешқадамлиқ қилмоқда. Бу трест тўқкизинчи беш йилликнинг тўрт йили планини 25 ноябрда бажарди. Мўлжалдаги барча ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди. Чиндан ҳам бу трест коллективи иши диққатга сазовордир. Ҳар бир қурувчи коллектив ана шундай меҳнат қилиши мумкин.

Афсуски, ҳозирча бунга эришаётганимиз йўқ. Капитал қурилиш кўрсаткичлари бизни қаноатлантирмайди.

Область бўйича ўтган йили капитал маблағ ўзлаштириш плани 95 процент бажарилди. 38,5 миллион сўмлик маблағ, шу жумладан қурилиш-монтаж ишларига ажратилган 16 миллион сўм маблағ ўзлаштирилмади. «Алмаликсвинецстрой», 16-қурилиш трестлари, «Главташкенстрой»нинг 4 ва 153-трестлари пудрат ишлари планларини бажармадилар.

Айниқса, қурилаётган чорвачилик комплексларинқ комплектлаш масаласи суст ҳал этилмоқда.

Областдаги бир қатор қурилиш ташкилотларида иш вақтининг исроф бўлишига йўл қўйилмоқда. Ҳали ҳам кўпгина ишлар кўлда бажарилмоқда. Машина ва механизмлардан тўла фойдаланилмаяпти. Ишда браккa ва сифатсизликка йўл қўйилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ПАРТИЯ ХӨДИМЛАРИНИНГ ЎҚУВИ

Партия ва совет кадрларини қайта тайёрлаш республикаларароқурсларида тингловчиларнинг навбатдаги группаси машғулотларни тамомлади. Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон шаҳар ҳамда район партия комитетларининг секретарлари, мазкур республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари ва область комитетлари бир қанча бўлимларининг масъул ходимлари учун КПСС Марказий Комитети 1974 йил декабрь Пленумининг қарорлари, ўртоқ Л. И. Брежневнинг пленумда сўзлаган нутқи асосида КПСС марксчаленинча назарияси ва сиёсатининг актуал проблемалари тўғрисида, социалистик экономикани илмий бошқариш асослари ҳақида лекциялар ўқилди. Машғулотларда партия ва совет қурилиши, фан ва маданиятга раҳбарлик практикаси масалалари ҳам ўрганилди.

Машғулотларнинг якунловчи кунида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири Г. М. Орлов тингловчилар ҳузурида нутқ сўзлади. (ЎзТАГ).

Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Ҳурматли Бош министр жаноблари ва Вильсон хоним!

Ҳурматли меҳмонларимиз! Ўртоқлар!

Вильсон жаноблари, Сизни яна бир марта табриклашга ва визитингиздан мамнун эканлигимизни изҳор қилишга ижозат бергайсиз. Биз Совет-Англия муносабатларини янада ривожлантириш масалалари юзасидан, шунингдек бир қанча халқаро проблемалар хусусида Сиз билан ва ташқи ишлар министри Каллагэн билан мулоҳазаларимизни баён қилиш имкониятига эга бўлганлигимиздан хурсандмиз.

Рўй-рост гапирадиган бўлсак, шундай фикрлашиб олишга эҳтиёж катта эканлиги шу жиҳатдан сезилиб турибдики, Совет Иттифоқи билан Буюк Британия ўртасида анча вақтлардан буён тегишинча олий даражада алоқа ўрнатилмаган эди. Хатто шуни ҳам айтиш мумкинки, кейинги йилларда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш муайян даражада сусайиб кетган эди. Ҳозир бундай аҳволга олиб келган сабабларни таҳлил этиб ўтирмаймиз, аммо бугун биз гаплашиб олаётган парсалар борлиги аёндир.

Ҳозирги вақтда жаҳоннинг кўп жойларида бир-бирига зид бўлган тенденциялар — халқаро кескинликни юмшатиш, тинчликни мустаҳкамлаш ва давлатлар ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш йўли билан «совуқ уруш» руҳини тиклашга, қуролланиш пойгасини янада авж олдиришга, бошқа мамлакатлар ва бошқа халқларнинг ишига аралашишга қаратилган йўл ўртасида кураш олиб борилмоқда. Аммо халқларнинг ва яна такрорлаб айтаман, аввало халқларнинг тинчликка бўлган ва тобора аниқ-равшан ифодасини топаётган чуқур хоҳиш-иродаси, уларнинг янги жаҳон уруши фожиасининг бундан бўён такрорланмаслигига эришишга қатъий қарор берганлиги белгиловчи аҳамиятга эгадир.

Кейинги йилларда халқаро ҳаётда, шу жумладан, бир томондан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан, иккинчи томондан Франция, Германия Федератив Республикаси, Америка Қўшма Штатлари каби давлатлар ўртасидаги муносабатларда рўй берган жиддий ижобий ўзгаришлар халқларнинг ана шу орзу-тилакларига тамомила мос бўлиб тушади. Бош министр жаноблари, Совет Иттифоқининг раҳбарлари халқаро кескинликни юмшатиш жараёнигагина эмас, балки ҳуқуқий жиҳатдан тўла тенглик ва бир-бирини ҳурмат қилиш асосида турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг узоқ давом этадиган, самарали, ўзаро манфаатли ҳамкорлиги сари реал бурилиш ясашга ҳам тарихан муқаррар тус бериш учун қўлларидан келган ҳамма чораларни кўришга астойдил қарор бергانликларини эътиборга олиш керак. Аммо ҳали кўп иш қилиш керак.

Мисол учун, Европани олиб кўрайлик. Бу ерда яхши ишга асос қўйилди. Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Умумевропа кенгаши гарчи жуда тез суръатлар билан бўлмаса ҳам ишлашти. Европадаги ўттиз уч давлатнинг Қўшма Штатлар ва Канаданнинг ҳам иштироки билан ўтказилаётган ва қитъа тарихида мисли кўрилмаган бу анжумани Европа диёрида тарихан узоқ даврга мўлжалланган тинчлик ва яхши қўшничилик ҳамкорлигининг мустаҳкам негизларини яратиши лозим. Шу пайтгача кўп иш қилинди. Аммо зарур бўлган ишларнинг ҳаммаси ҳали қилинаётгани йўқ. Энди лекин ана шу катта ишни муносиб равишда ва муваффақиятли суратда тугаллаш олдимизда турган бевосита вазифадир. Бизнинг қатъий фикримизча, бу иш Европа ҳаётида янги, чинакам тинч ва конструктив даврни бошлаб бера олади ва бошлаб бериши керак.

Буюк Британия Умумевропа кенгаши ишининг конструктив йўл билан боришини таъминлашда катта роль ўйнай олар эди, деб ўйлаймиз. Совет Иттифоқи буни табриклаган бўлур эди.

Ҳар бир давлатнинг ва бу давлат раҳбарларининг мустаҳкам тинчликни барпо этиш соҳасидаги энг катта вазифалари ҳал этишга қўшадиган ҳиссасининг аҳамияти, бизнинг фикримизча, ана шу вазифаларнинг тарихий кўламларига тўғри баҳо бериш қобилияти билан белгиланади. Халқлар қутаётган ва умид боғлаётган асосий нарсани ажрата билиш, ана шу асосий нарсани музокаралар қатнашчиларинг бажаришлари учун бошқалар зарарига у ёки бу коньюнктура устунликларига эга бўлиш мақсадини кўзлаб қалтабин сиёсий найранглар ғоясидан келтирган ярамас ҳоллардан ажрата билиш ҳозир ҳар қачонгидан кўра муҳимдир.

Бу гап марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида Венада олиб борилаётган музокаларга ҳам тааллуқлидир. Бу ерда баъзи мамлакатларнинг бир томонлама устунликка эга бўлиш учун эўр бериб уринаётганликлари, бошқа томонни «ютиб чиқиш» йўлидаги уринишлар, афсуски, Вена музокараларининг олга силжиб боришига ҳануз жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Дунё халқлари халқаро кескинликнинг юмшатилиши миллионларча кишиларнинг турмушини яхшилашга ёрдам берадиган конкрет ишга тезроқ айланишини қутмоқдалар. Қуролланиш пойгасини жиловлаб қўйиш, давлатларнинг ҳарбий тайёргарлик миқъёслари ва Уларнинг ҳарбий ҳаражатларини қисқартириш, бу давлатлар ўртасида тинч иқтисодий ҳамкорликни ва бошқа хилдаги ҳамкорликни кенгайтириш — ана шундай ишлар жумласидандир. Бизнинг фикримизча, ғарбдаги кўп мамлакатлар жиддий иқтисодий қийинчиликларни бошидан кечираётган ҳозирги пайтда бу ишларда олга силжиб бориш жамоатчиликнинг бир-биридан фарқ қилганлигига қарамай, муваффақиятли ҳамкорликнинг тарихий намунаси бўлганлигини жуда яхши биламиз.

Биз планетада тобора яқин қўшни бўлиб яшамоқдамиз. Планетанинг ҳозирги кўпи ўз жонини агрессияга қарши, одамларнинг тинч, мустақил ва эркин шароитда яшаш ҳуқуқи учун фидо қилган кишиларнинг хотирасига содиқ бўлиш йўлидаги кураш руҳи билан суғорилган. Тинчликни ва давлатлар ўртасидаги тинч ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун илгари ҳеч қачон шундай кенг халқаро майдонда бундай актив ҳаракат қилинмаган эди, деб айтсак муболаға бўлмаса керак. Аммо ҳали кўп иш қилиш керак.

Мисол учун, Европани олиб кўрайлик. Бу ерда яхши ишга асос қўйилди. Хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Умумевропа кенгаши гарчи жуда тез суръатлар билан бўлмаса ҳам ишлашти. Европадаги ўттиз уч давлатнинг Қўшма Штатлар ва Канаданнинг ҳам иштироки билан ўтказилаётган ва қитъа тарихида мисли кўрилмаган бу анжумани Европа диёрида тарихан узоқ даврга мўлжалланган тинчлик ва яхши қўшничилик ҳамкорлигининг мустаҳкам негизларини яратиши лозим. Шу пайтгача кўп иш қилинди. Аммо зарур бўлган ишларнинг ҳаммаси ҳали қилинаётгани йўқ. Энди лекин ана шу катта ишни муносиб равишда ва муваффақиятли суратда тугаллаш олдимизда турган бевосита вазифадир. Бизнинг қатъий фикримизча, бу иш Европа ҳаётида янги, чинакам тинч ва конструктив даврни бошлаб бера олади ва бошлаб бериши керак.

Буюк Британия Умумевропа кенгаши ишининг конструктив йўл билан боришини таъминлашда катта роль ўйнай олар эди, деб ўйлаймиз. Совет Иттифоқи буни табриклаган бўлур эди.

Ҳар бир давлатнинг ва бу давлат раҳбарларининг мустаҳкам тинчликни барпо этиш соҳасидаги энг катта вазифалари ҳал этишга қўшадиган ҳиссасининг аҳамияти, бизнинг фикримизча, ана шу вазифаларнинг тарихий кўламларига тўғри баҳо бериш қобилияти билан белгиланади. Халқлар қутаётган ва умид боғлаётган асосий нарсани ажрата билиш, ана шу асосий нарсани музокаралар қатнашчиларинг бажаришлари учун бошқалар зарарига у ёки бу коньюнктура устунликларига эга бўлиш мақсадини кўзлаб қалтабин сиёсий найранглар ғоясидан келтирган ярамас ҳоллардан ажрата билиш ҳозир ҳар қачонгидан кўра муҳимдир.

Бу гап марказий Европада қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида Венада олиб борилаётган музокаралар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

(Боши биринчи бетда).

Бу йил капитал қурилиш соҳасида катта иш бажарилади. Ўтган йилдагига қараганда 11 процент кўп капитал маблағ ўзлаштирилиши лозим. Тошкент трактор заводида, Олмалиқдаги кон-металлургия комбинатида янги ишлаб чиқариш қувватлари қурилиши ва фойдаланишга топширилиши лозим. Ўзбекистон металлургия заводини реконструкция қилиш юзасидан ҳам катта ишлар бажарилиши керак. Келгусида йилига 1 миллион тонна пўлат эритилиши таъмин этилиши лозим. Ангрен резина комбинати иккинчи навбати қурилади, Тошкент метроси қурилиши тезлаштирилади. Бошқа комбинат ва корхоналарда ҳам ана шундай тадбирлар амалга оширилади.

Қишлоқ хўжалигида ҳам анчагина миқдорда капитал маблағ ўзлаштириш кўзда тутилади. Бу соҳада хозир ҳам энг асосий масалалардан бири 22 та чорвачилик комплексини фойдаланишга топширишни таъминлашдан иборатдир. Энг биринчи навбатда чўчқалар бўрдоқига боқиладиган йирик 6-совхоз комплекси қурилиши амалга оширилади. Сув хўжалик объектлари бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилади.

760 минг квадрат метрдан ортиқ турар-жой ва кўплаб миқдорда маданий-маиший хизмат кўрсатишга мўлжалланган объектлар қурилиши ва фойдаланишга топширилиши керак.

Ана шу катта ва мураккаб вазифаларни бажариш учун энг асосий эътиборни қучлар ва маблағларни концентрациялашга, қурилиш ишлаб чиқарилишини такомиллаштиришга, кадрларнинг топширилган иш учун масъулиятини оширишга, қурилишда ишлаётганларнинг унумли меҳнат қилишлари учун, яхши ҳордиқ чиқаришлари учун нормал шароитларни яратиб беришга қаратиш лозим.

Ўтган йили, деб сўзида давом этди докладчи, рекорд ҳосил етиштирилди. Мамлакатга 451 минг тонна «оқ олтин» ҳадя этдик. Тошкент области меҳнаткашларига КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев табрик хати йўллади. Унда пахтакорларнинг, областдаги барча меҳнаткашларнинг ишига юксак баҳо берилди.

Барча районлар пахта етиштиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Қуйи Чирчиқ райони эса областда биринчи бўлиб, пахта етиштириш ва давлатга сотиш бўйича беш йиллик планни муваффақиятли уддалади. Областда ҳаммаси бўлиб 29 колхоз ва 4 совхоз беш йиллик планни бажарди.

Бу йил пахта ҳосилдорлигини ошириш юзасидан катта вазифалар турипти. Биз ўтган йилги рекордни такрорлашимиз керак. Бунинг учун барча куч, маҳоратимизни, билимимизни, тажрибамизни сафарбар этишимиз лозим.

Ернинг ҳосилдорлигини ошириш — асосий масаладир. Бунинг учун, пахта — беда алмашлаб экишни кенг жорий этиш лозим. Ерларни текислаш, карталарни йириклаштириш, минерал ўғитдан самарадорлик билан фойдаланиш, илғор агротехника усулларини қўлланиш ҳисобига ҳосилдорликни ошириш лозим. Кўпгина районлар ва хўжаликларнинг раҳбарлари резервларни ишга тушириш учун астойдил иш олиб бормоқдалар ва яхши натижаларга эришмоқдалар. Оққўрғон районидаги Навоий номли, Янгийўл районидаги «Коммунизм», Қуйи Чирчиқ районидаги «Москва», «Заря Коммунизма», Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозлари, Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхози ҳар гектар ердан 43—46 центнердан ҳосил етиштирдилар. Лекин ҳали мавжуд материал ва меҳнат ресурсларидан ёмон фойдаланаётган раҳбарлар ҳам бор.

Шунинг учун ҳам ўтган йили 55 колхоз ва совхозда ва умуман Пискент ва Ўрта Чирчиқ районларида пахта ҳосилдорлиги область бўйича эришилган даражадан паст бўлди.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари, қишлоқ хўжалик органлари бундан тегишли хулоса чиқариб олиб, ҳар бир колхоз ва совхозда кўклам экиш кампаниясига намунали тайёргарлик кўрилиши ва мўл ҳосил етиштиришни таъминлашга эришишлари керак.

Кейинги йилларда областда ғалла етиштиришни кўпайтириш юзасидан катта иш қилинди. Бу йил бизда кам деганда 245 минг тонна, ўтган йилдагига қараганда 1,5 баравар кўп ғалла етиштирилиши керак.

Ўтган йил иш таҳлили шуни кўрсатадики, агар раҳбарлар ва мутахассислар ғаллачиликка меҳр билан муносабатда бўлиб, масъулиятни чуқур ҳис қилган ҳолда меҳнат қилсалар, суғориладиган ерларда ғалла етиштиришни оқилона йўлга қўйсалар, ҳеч сўзсиз равишда маккажўхори, шоли, арпадан юқори ҳосил олинарди.

Ғалла ҳосилдорлигини оширишга эришиш учун энг аввало ўз вақтида сифатли уруғ тайёрлаш, ерни, техникани кўклам экишга пухта созлаш, социалистик мусобақанинг самарадорлигини ошириш лозим. Меҳнатни ташкил этиш ва қаҳ тўлаш масаласини такомиллаштириш, моддий ва маънавий рағбатлантиришни бир-бирига боғлаб олиб бориш лозим.

Кейинги йилларда мева, сабзавот етиштириш ва тайёрлаш анча кўпайди. 13 хўжалик ҳозирнинг ўзидаёқ сабзавот етиштириш бўйича беш йиллик планни бажариб қўйди. Ўтган йили областда биринчи маротаба 342 минг тоннадан кўп сабзавот, 47 минг тонна картошка, 59 минг тоннага яқин узум тайёрланди. 20 та колхоз ва совхоз тўрт йил давомида давлатга сотиб беш йиллик халқ хўжалиги планини бажарди.

Лекин шу билан бирга сабзавотларни хиллари бўйича планни бажаришга эриша олмаётирмиз. Мева етиштиришдаги аҳвол қониқарсиздир. Ўтган йили областда мева тайёрлаш бўйича фақат давлат плани бажарилди, холос.

Сабзавотчиликни ихтисослаштириш, такрор экиш, уруғчиликни яхшилаш масаласига алоҳида эътибор бериш лозим. Боғ ва токзорларда ҳосилдорликни кескин кўтариш, шунингдек, тоғ этакларида боғдорчилик ва узумчиликни ривожлантириш талаб этилади.

Областимизда жамоат чорвачилигини ривожлантириш юзасидан бир қатор йирик тадбирлар амалга оширилди. Чорва туёғи кўпайди, маҳсулдорлиги ортди. Чорвачилик комплекслари қурилиши бўйича катта ишлар бажарилмоқда.

Буларнинг ҳаммаси чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш имконини бераётир. 1974 йилда колхоз ва совхозларда гўшт етиштириш 1970 йилга нисбатан 38 процент, сут етиштириш 55 процент, жун етиштириш 16 процент, тухум 2 баравар ўсди.

Колхоз ва совхозларда ем-хашак базаси йилдан-йилга мустаҳкамланаётганлиги туфайли шундай ютуқларга эришмоқдамиз. 1974 йилда 1970 йилга нисбатан ем-хашак экинлари майдони донга экиладиган маккажўхорини ҳам қўшиб ҳисоблаганда умуман область бўйича 21,7 минг гектарга кенгайди. Беда майдони 11,6 минг гектар кўпайди. Ана шу давр ичида ем-хашак экинлари ҳосилдорлиги ортди. Илғор фан усуллари ва тажрибалар кенг жорий қилиниб, яхши натижаларга эришилмоқда. Оқибатда чорваннинг дағал ва ширали ем-хашакларга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмоқда. 1970 йилга нисбатан дағал хашак тайёрлаш область бўйича 1,9 баравар, силос 1,2 баравар, илдиз мева 1,8 баравар кўпайди. Лекин шу билан бирга бир қатор районлар ва хўжаликларда ҳали бу соҳада фойдаланилмаётган имкониятлар ва резервлар кўп.

Ўтган йили Ўрта Чирчиқ райони дағал хашак тайёрлаш планини, Бекобод, Юқори Чирчиқ, Пискент, Ўрта Чирчиқ районлари эса силос бостириш планларини бажара олмадилар. Айрим колхоз ва совхозларда ем-хашак экинлари ҳосилдорлиги паст. Ўт-уни, сенаж етарли тайёрланмайди. Оралиқ экинлардан фойдаланилмайди.

1974 йилда 73 хўжаликда ҳар бир сигирдан 2,5 минг килограммдан кам сут согиб олинди. Кўпгина колхоз ва совхозларда моллар хўжаликнинг ички эҳтиёжлари учун сўйиб ишлатилмоқда.

Биз уч йилдан буён гўштга топшириладиган қора моллларнинг оғирлигини 400 килограммга етказиш масаласини қўйиб келяпмиз. Лекин амалда кам иш қилинаётганлиги туфайли бунга эриша олмаяпмиз.

Колхозлараро бўрдоқичилик базаси ишини яхшилаш юзасидан ҳам кескин тадбирларни амалга ошириш лозим. Қишлоқ хўжалиги область бошқармаси ва унинг органлари бу базаларга раҳбарлик ни яхши йўлга қўймаётирлар. Шунинг учун ҳам ўтган йили ана шу базалардан гўшт учун топширилган моллларнинг ўртача оғирлиги 350 килограммни, яъни областнинг ўртача кўрсаткичидан 15 килограмм кам оғирликни ташкил этди. Ҳозиргача бизда сигирларни урчитиб кўпайтириш масаласи тўла ҳал этилган эмас.

Биз Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленумида чорвачиликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган қарордан тўғри хулоса чиқариб олишимиз ва камчиликларни тугатиш, резервлардан тўла фойдаланиш учун зарур тадбирларни амалга оширишимиз лозим.

Халқ хўжалигининг барча бўғинларида ишни муваффақиятли йўлга қўйишини таъминлашда транспорт хизмати корхоналари ва ташкилотлари, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш муассасаларининг роли каттадир. Партия, Совет ва хўжалик органлари барча турдаги транспортларнинг аҳолига намунали хизмат кўрсатиши, алоқа воситаларининг пухта ишлашини таъмин этишлари лозим.

Умуми й овқатланиш, савдо, коммунал ва маиший хизмат корхоналари, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва маданият муассасалари ишига ҳам кундалик эътиборни кучайтириш талаб этилади.

Айниқса, саноат корхоналари, қурилиш объектлари ва колхозсовхозларда умумий овқатланишни ташкил қилишга жиддий эътибор бериш лозим. Шаҳарларда ҳам, қишлоқ жойларда ҳам мактаб ўқувчиларини мазали иссиқ таомлар билан тўла таъминлаш керак.

— Беш йиллик вазифаларини муваффақиятли бажариш, — деб сўзида давом этди докладчи, — кўп жиҳатдан партиявий раҳбарликнинг савиясига, давлат ва меҳнат интизомига қатъий риоя қилинишига, кадрларнинг план ва социалистик мажбуриятларини бажариш учун масъулиятини кучайтиришга боғлиқдир.

1975 йил биз партия XXIV съезди белгилаб берган марраларни эгаллайдиган йилдир. Бу йил совет халқининг Улуғ Ватан урушида Ғалаба қилганлигига 30 йил тўлади. Бизнинг ҳар биримиз ана шу йилда алоҳида ғайрат ва шижоат билан ишлашимиз, партиявий, ташкилий-сиёсий, тарбиявий ишлар савиясини ҳар қачонгидан ҳам яхшилашимиз лозим.

Партия ташкилотлари, ишлаб чиқариш коллективлари социалистик мусобақани йўлга қўйишда бой тажрибага эгадирлар. Лекин Ўртоқ Ш. Р. Рашидов Пленумда қайд қилиб ўтганидек, биз бу бойликдан ҳамма вақт ҳам яхши фойдаланаолмаётирмиз. Ҳатто, корхона, колхоз, совхозларнинг ўзида ҳам шу ерда тўпланган илғор тажрибаларни оммалаштириш бўйича етарли иш олиб борилмайди. Илғорлар тажрибаси — умумхалқ мулкидир. Ҳар бир меҳнаткаш, ҳар бир коллективда бу масалага эътиборни жалб этиш лозим. Мусобақанинг изчиллиги ва самарадорлигини таъмин этайлик.

Коммунистлар социалистик мусобақада авангард бўлишлари, ўзларининг билимлари, куч-ғайратлари, тажрибаларини партия режаларини амалга оширишга сафарбар этишлари лозим.

Бошлангич партия ташкилотлари, цех партия ташкилотлари ва партия группаларининг жанговарлиги планларимизни муваффақиятли бажаришда муҳим восита бўлади. Улар ўзларининг сиёсий ва ташкилотчилик ишларини мутасил кучайтириб боришлари керак.

Мусобақани ривожлантириш ва уни янада такомиллаштиришда касаба союзлари зиммасига ҳам катта масъулиятлар юкланган.

Комсомол ташкилотлари эса ёшларнинг меҳнат ғайратини жўш урдириб, уларни янада юксакроқ кўрсаткичларга эришиш учун сафарбар этсинлар. Комсомол иқтисод ва тежамкорлик, маҳсулот сифатини яхшилаш, техника ва ускуналардан юқори самарадорлик билан фойдаланиш учун курашнинг ҳамиша олдинги сафида боорсин.

Резерв ва имкониятлардан фойдаланиш, камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш, иқтисод ва тежамкорлик учун курашда халқ назоратчилари зиммасига ҳам алоҳида масъулиятлар юкланади.

Партия ташкилотлари, областдаги барча идеология муассасаларининг асосий фаолияти энг биринчи навбатда меҳнаткашларнинг активлигини оширишга қаратилмоғи лозим.

Бу жиҳатдан Ўзбекистон металлургия заводи партия ташкилотининг иши ибратлидир. Бу завод идеология ходимлари ва активистлари беш йилликнинг якунловчи йилида катта ташкилотчилик ишларини олиб бормоқдалар. У ерда ҳар бир пропагандист, ҳар бир сиёсий ахборотчи, лектор, барча идеология ходимлари олдига конкрет вазифалар қўйилган. Область партия комитети Ўзбекистон металлургия заводи партия ташкилотининг тадбирларини маъқуллади. Бу илғор тажрибани барча коллективларда оммалаштириш лозим.

Янги йилнинг бир ярим ойи ўтди. Биз қилинган ишлар бўйича айрим натижаларни айтишимиз мумкин.

Областдаги барча шаҳарлар саноати маҳсулотни реализация қилиш бўйича январь ойи планини уддаладилар. Бироқ область бўйича пландан ташқари 15 миллион сўмлик ўрнига 11 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Январь ойида капитал қурилиш соҳасида эришилган кўрсаткичлар ҳам қаноатланарли эмас. Айрим районлар, колхоз ва совхозларнинг январь ойи ва февралнинг биринчи ўн кунлигида олиб борган ишлари жиддий эътиборларга сабаб бўлмоқда. Оржоникидзе ва Янгийўл районларининг кўпгина хўжаликларида гўғ-компост тайёрлашга етарли эътибор берилмаяпти.

Юқори Чирчиқ ва Бўстонлиқ районларида сугориш тармоқларини тозалаш суст бораётир. Чиноз районида ер текислаш, янги ер ўзлаштириш ҳам талабга жавоб бермайди. Ўрта Чирчиқ районида қишлоқ хўжалиги оборотидан чиқиб қолган ерларни ишга тушириш кўнгилдагидек эмас.

Оҳангарон, Юқори Чирчиқ, Бекобод районларининг сув хўжалиги ходимлари сугориш каналларини бетонлаштириш ишида сусткашликка йўл қўймоқдалар. Бўстонлиқ, Бўка, Калинин, Ўрта Чирчиқ ва Янгийўл районларида ўтган йилнинг шу даврдагига нисбатан гўшт сотиш, Калинин ва Янгийўл районларида сут сотиш камайди.

Биз ҳамма ерда ишни КПСС Марказий Комитети декабрь (1974 йил) Пленуми, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVII Пленуми қарорлари асосида ташкил этишимиз лозим. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежнев қайд қилганидек, бу йил мамлакатимиз олдида катта иқтисодий, сиёсий, халқаро аҳамиятга эга бўлган вазифалар турипти. Бу вазифани бажариш учун бутун партияни, халқни сафарбар этиш, ҳамма ерда ижодий меҳнатни авж олдириш, коммунистлар, комсомолларнинг, ҳар бир меҳнаткашнинг активлигини таъминлашимиз зарур. Пойтахт областнинг коммунистлари, барча меҳнаткашлар партиямизнинг Марказий Комитети тезларигга маҳкам жипслашиб, ленинчи Коммунистик партиямизнинг XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб оладилар деб Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетини ишонтирамиз.

* * *

М. М. Мусахонов докладидан сўнг музокаралар бошланди. Сўз Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **А. А. Хўжаевга** берилади.

— Республика пойтахти меҳнаткашлари, — деди у, — КПСС Марказий Комитети декабрь (1974 йил) Пленуми қарорлари, КПСС Марказий Комитетининг партияга, совет халқига Мурожаати ва 1975 йил ва умуман тўққизинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан олдин бажариш юзасидан Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини янада кенг қулоч ёйдириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитети қабул қилган қарорни ўзлари учун жанговар иш программаси сифатида қабул қилдилар.

Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида Тошкент шаҳри корхоналарида саноат ишлаб чиқариши 6,3 процент ошди. Маҳсулот сифати сезиларли даражада яхшиланди. 52 минг кишидан кўпроқ ишчи беш йилликнинг якунловчи йилида графикдан ўзиб меҳнат қилмоқда.

Янги йилнинг дастлабки ойи плани шаҳримизда барвақт адо этилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан маҳсулот ҳажми сезиларли даражада ошди. Ҳозир барча корхоналарда Буюк Ғалабанинг 30 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш юзасидан ошланган мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Ўзбекистон КП Марказий Комитети тошкентликларнинг қаҳрамон шаҳарлар шарафига жанговар меҳнат декадалари эълон қилиб, фидокорона меҳнат қилиш юзасидан бошлаганташаббусларини маъқуллади ва партия, касаба союз, комсомол ташкилотларига ташаббусни қўллаб-қувватлаш, кенг ёйиш тавсия этилди.

Нотиқ ишлаб чиқаришни янада юксалтиришга имкон берувчи қимматли таклифларни ўртага ташлади.

Пленум қатнашчилари Чиноз районидаги Киров номли колхоз оригада бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофоти лауреати **Турсуной Охунова** нутқини зўр қизиқиш билан тинглашди. Турсуной Охунова пахтачиликни комплекс механизациялашга, механизаторлар мусобақасини ташкил этишга муносиб ҳисса қўшган ажойиб ўзбек аёлларидан бири. У ўз сўзида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши резервларидан фойдаланиш, механизаторлар ўртасида социалистик мусобақани авж олдириш масаласига алоҳида эътибор берди.

Тўйтепадаги металл конструкциялари заводи директори **М. Л. Серпиков** корхона коллективи қилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди. Коллектив ўтган йили маҳсулот реализация қилиш планини 102,9 процент бажарди. Завод бу йил янги марраларни кўзламоқда. Йил охиригача 65 минг тонна металл-конструкцияси етказиб берилади. Нотиқ маҳсулот сифатини яхшилаш соҳасида ҳали кўп иш қилиш лозимлигини таъкидлади.

— Тўрт йил давомида, — дейди Оҳангарон шаҳар партия комитетининг биринчи секретари **А. Ф. Сандов**, — шаҳарда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 43,7 процент, меҳнат унумдорлиги эса 31,5 процент ўсди. Ўтган йилги план ҳам муваффақиятли бажарилди. У Ангренда махсус мукофотли ўринларни эгаллаш учун мусобақалашиш анъанага айланганлигини айтди.

«Чирчиқжилстрой» 160-қурилиш трести бригадири **Н. Г. Саколов** ҳам ўз сўзини резервлардан фойдаланишга бағишлади.

— Беш йилликнинг якунловчи йили учун олинган юксак социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш ўзимизнинг ғайратимизга боғлиқ, — дейди Калинин районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси **С. Муҳаммаджонов**. — Бунинг учун ҳар бир дала меҳнаткаши, ҳар бир чорвадор, боғбон, соҳибкор ўз зиммасига юклатилган вазифани бекаму-кўст адо этиши керак.

Олмалиқ шаҳар ижроия комитетининг раиси **Ю. Т. Савченко** ўз нутқини илғор тажрибаларни моҳирлик билан оммалаштириш масаласига бағишлади. Тоғ-металлургия комбинати ва мебель фабрикаси коллективлари мусобақада айниқса яхши натижаларга эришдилар. Лекин, — деди у, рўзғор химияси заводи орқада қолмоқда. Бу ерда бир йил давомида беш марта план ўзгартирилди.

«Ташзаготхлопкотрест» бошқарувчиси **Т. У. Отаметов** областдаги пахта тозалаш заводларида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирди.

* * *

Сўнгра КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVII Пленумининг «Партия ҳужжатларини алмаштиришнинг якунлари ҳақида»ги қарорларининг бажарилиши юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари **В. В. Окунский** доклад қилди.

— Яқинда КПСС Марказий Комитети,— деди докладчи,— партиямизда партия ҳужжатларини алмаштиришни якунлади. Қабул қилинган қарорда айтилганидек, партия ҳужжатларини алмаштириш муҳим ташкилий-сиёсий тадбир сифатида партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг май (1972 йил) Пленуми қарорларига, КПСС Марказий Комитети Бош секретари Ўртоқ Л. И. Брежневнинг партия қурилиши масалалари бўйича кўрсатмасига тўла мувофиқ равишда ўтказилди.

КПСС Марказий Комитети қарорида қайд қилиб ўтилганидек, партия ҳужжатларини алмаштиришнинг бош якуни шундан иборатки, бизнинг партиямиз ташкилий ва сиёсий ишда янги вазифалар билан бойиди, омма билан алоқасини янада мустаҳкамлади, коммунистик қурилишдаги раҳбарлик ва йўналтирувчи кучи ўсди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг КПСС Марказий Комитети қарорини муҳокама қилишга бағишланган 6 февралда бўлиб ўтган Пленумида республика партия ташкилотининг партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик, ва уни ўтказиш давридаги бажарган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишларига якун ясалди. КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети томонидан берилган амалий ёрдам, доимий эътибор ва назорат область партия ташкилотида ҳужжатларни алмаштиришни муваффақиятли ўтказишнинг катта таъсир кўрсатди. Область партия комитети бюроси партия ҳужжатларини алмаштириш билан боғлиқ бўлган масалаларни қатъий назорат қилиб борди.

Партия комитетларига бу муҳим сиёсий тадбирни амалга оширишда область, шаҳар, район газеталарининг редакциялари катта ёрдам бердилар.

Партия ҳужжатларини алмаштириш бизнинг партиямизда бирикки бор амалга оширилаётгани йўқ. Бироқ, бу галги ҳужжат алмаштириш ўзининг миқёси ва олдига қўйган вазифаси жиҳатидан олдин бўлиб ўтган ҳужжат алмаштиришларнинг барчасидан тубдан фарқ қилади. Унинг асосий хусусиятларидан бири шуки, бу галги ҳужжат алмаштириш совет қишлари КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун катта сиёсий ва меҳнат кўтаринкилиги руҳида иш олиб бораётган бир шароитда ўтди.

Бир группа ишлаб чиқариш илғорлари тўққизинчи беш йилликда икки беш йиллик топширигина бажариш юзасидан ташаббус бошладилар. Бу ташаббус республикамиз меҳнаткашларининг юксак ватанпарварлик ҳислатлари намунаси бўлди. Область партия ташкилоти бу ташаббусни кенг ёйиш учун кўпгина тадбирларни амалга ошириб. Ҳужжатларни алмаштириш жараёнида 30 мингдан ортиқ коммунист беш йиллик планини муддатидан илгари адо этиш юзасидан ўз зиммасига олган социалистик мажбуриятларини бажарди. 8 мингдан кўп КПСС аъзоси ва аъзолликка кандидатлар ўзларининг шахсий беш йиллик планларини 3,5—4 йилда бажаришга бел боғлаб, ўз аҳдларининг уддасидан чиқдилар. Бошқа кўпгина ватанпарварлик ҳаракатларининг ҳам туғилиши коммунистларнинг активлиги билан боғлиқ эканлиги гоят қувончлидир. Область партия комитети, шаҳар, район партия комитетлари партия ҳужжатларини алмаштириш даврида саноат, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, транспорт ва қурилиш илғорларининг 48 та ташаббуси маъқуллади. Уларнинг бу ташаббуси областнинг ўн минглаб меҳнаткашлари томонидан қўллаб-қувватланди.

Партия ҳужжатларини алмаштириш жараёнида социалистик мусобақа янги мазмун билан бойиди. Область меҳнаткашлари ўртасида ижодий активлик кучайди. Улар муқобил планлар қабул этдилар.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ва бу ишни ўтказиш жараёнида партия ташкилотларининг иш тажрибаси бойиди.

Область партия ташкилоти олдида турган янги, бир мунча мураккаб вазифаларни ҳал этиш барча бўғиндаги ва халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги кадрларга нисбатан бўладиган талабни анча кучайтиришни тақозо этади. Шунинг учун ҳам ҳозир кадрларга, ҳар бир партия, Совет ва хўжалик органлари ходимига, бошқаришнинг барча звеносидаги ходимларга талабчанликни кучайтириш керак.

Ҳар бир раҳбар ташкилотчиликда, интизомда, меҳнатга муносабатда, сўз билан ишнинг бирлигига сўзсиз амал қилишда намуна бўлиши лозим. Янгиликни ҳис қила билиш, самарадорлик билан ишлаш ва энг кўп фойда келтира билиш — бу раҳбарнинг фаолиятида муҳим ҳислат бўлмоғи лозим.

Областимизда ғоявий чиниққан яхши тайёргарликка эга бўлган ходимлар кўп. Улар партия, давлат, хўжалик ва ижтимоий соҳаларда муҳим ва ҳар хил участкаларни муваффақиятли бошқармоқдалар.

Экономикага партиявий раҳбарликни такомиллаштириш, илмий-техника тараққиётини тезлаштириш, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларига партиявий таъсирни кучайтириш партия ташкилотларининг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Партия, саноатда бўлганидек, қишлоқ хўжалигида ҳам ишлаб чиқаришни концентрациялаш ва ихтисослаш йўлини изчиллик билан амалга ошириб келмоқда.

Қишлоқ хўжалиги, айниқса, унинг асосий тармоқларидан бири бўлган чорвачилик ҳам кооперативлашмоқда ва саноат асосига ўтказилмоқда.

Ишлаб чиқаришни концентрациялаш ўз навбатида партия ташкилотлари структурасида ҳам ўзгаришлар бўлишини тақозо этади. Ҳозир ишлаб чиқаришнинг барча участкалари амалда партиявий таъсир билан қамраб олингандир.

Партия ташкилотлари секретарларининг сифат состави яхшиланди. Бу партиявий ишни самарадорлик билан олиб бориш, унинг форма ва методларини такомиллаштириш, партия сафларини мустаҳкамлаш, партия ташкилотининг жанговарлик қобилиятини кўтариш имкониятини беради.

Партия ташкилоти секретарларининг, сайлаб қўйилган партия активлари ўқуви яхшиланди. Шаҳар, район партия комитетлари доимий ишлаб турган курслар ва мактаблар билан бир қаторда секретарлар кунини ҳам тез-тез ўтказиб турмоқдалар. Партия ташкилотлари базасида ўтказилаётган семинарларда тўпланган ижобий тажрибалар ўрганилмоқда.

Бошлангич партия ташкилотлари ўз ишларини планлаштиришни такомиллаштирмоқдалар. Ҳозирги пайтда 83 партия ташкилоти перспектив план асосида иш олиб бораётир.

Партия мажлислари ўз вақтида ўтказилмоқда ва уларнинг роли ортиб бораётир.

Партия ҳужжатларини алмаштириш жараёнида совет ташкилотларидаги кам сонли партия ташкилотларидаги коммунистларнинг активлиги ўсди. Аппарат ходимлари фаолиятини назорат қилиш кучайди.

Шу билан бирга партия комитетларининг партия ташкилотларига, айниқса, областда 46 процентни ташкил этган кам сонли партия ташкилотларига раҳбарлик соҳасидаги фаолиятида жиддий камчиликлар бор. Шаҳар, район партия комитетлари партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга доимий эътибор беришлари керак.

Партия ҳужжатларини алмаштиришга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнида коммунистлар билан яккама-якка иш олиб боришни яхшилашга, уларда ўзаро талабчанлик, меҳнатга онгли муносабат ва эришилган натижаларга танқидий нуқтан назардан муносабатда бўлиш ҳислатларини шакллантиришга алоҳида эътибор бердилар.

Область партия ташкилотида 30 мингдан ортиқ коммунист билан суҳбат ўтказилди.

Биз ёш коммунистларни ғоявий-сиёсий жиҳатдан тарбиялашга ҳам муҳим аҳамият бермоқдамиз. Бу ишда цех партия ташкилотларига таяниб иш юритяпмиз. Намунали ишлар кенг пропаганда қилинади. Цех партия ташкилотлари ишини вақти-вақти билан таҳлил қилиб бориш одат тусига кириб қолган. Яқинда 8-бригада цех партия ташкилотининг секретари Б. Шодмоновнинг «Ёш коммунистларни тарбиялаш ва партияга қабул қилиш, бўйича ҳисоботи эшитилди. Ёш коммунистларни тарбиялашга етарли даражада аҳамият бермаётган, КПСС сафини илғорлар ҳисобига тўлдириш учун кўрашмаётган цех партия ташкилотининг иши танқид қилинди.

Партия ташкилоти тўққизинчи беш йиллик якунловчи йилида ҳам хўжаликдаги барча соҳаларни кенг қамраб олиб, новаторлик ишларини кенг ёйиш учун курашмоқда.

Коммунистларнинг активлигини кучайтиришда партия топшириғининг тарбиявий роли каттадир. Ҳар бир коммунист, ҳар бир КПСС аъзолигига кандидат бўлган ходимнинг тажрибаси, билими, маҳоратидан, имкониятларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланиши партия ташкилоти фаолиятининг самарадорлигини оширувчи муҳим омилдир. Партия ҳужжатларини алмаштириш жараёнида коммунистлар партия топшириқларини тўғри тақсимлашга оид масалаларни кўтариб чиқдилар.

Партия ташкилотлари шу муносабат билан партия топшириқларини тўғри тақсимлашга катта эътибор бера бошладилар. Агар коммунистнинг ихтисоси, майлига мутоносиб равишда топшириқ берилса, у ўзининг бутун эътибори ва имкониятини ишни сифатли бажаришга сафарбар этади. Ҳужжатларни алмаштиришга тайёргарлик ва уни ўтказиш даврида 33 мингдан кўп коммунист қўшимча равишда жамоат ишига жалб этилди. Ҳозирги пайтда область партия ташкилоти ҳисобидаги коммунистларнинг 83 проценти партия топширигига эгадир.

Топшириқнинг муҳим формаси — мураббийлик ҳаракати кенг авж олмоқда. Бу иш айниқса Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, тўқимачилик комбинати, «Узбексельмаш», «Таштекстильмаш» заводлари ва бошқа коллективларнинг партия ташкилотларида яхши йўлга қўйилган.

Коммунистлар активлигини оширишда партиявий-ташкилий ишларнинг хилма-хил формаларидан фойдаланиш лозим.

Коммунистлар билан яккамаякка ишлашда уларнинг КПСС Устави ва Программаси талабларига риоя қилишларини қатъий назорат қилиб бориш муҳим аҳамиятга эгадир. Партия ташкилотлари партия XXIV съездининг КПСС сафини ўстириш тўғрисидаги кўрсатмасини ҳаётга татбиқ этарканлар, биринчи навбатда халқ хўжалигининг етакчи тармоқларида меҳнат қилаётган ишчилар ҳисобига коммунистлар сафини ўстириш керак. Қишлоқ хўжалигида эса кўпроқ механизаторлар ва чорвадорлар ҳисобига партия ташкилоти мустаҳкамланиб бориши лозим. Ишчилар, колхозчилар ва студент ёшлар партияга кўпроқ қабул қилина бошланди. Қабул қилинганларнинг учдан икки қисми комсомоллар ҳисобига бўлди. 32,5 процентини эса хотин-қизлар ташкил этади.

Партия ҳужжатларини алмаштиришнинг энг муҳим натижаларидан бири идеология ишларини янада такомиллаштирилганидир. КПСС Марказий Комитетининг «Тошкент шаҳар партия ташкилотида раҳбар кадрларнинг марксча-ленинча ўқуви ва иқтисодий таълими» ҳақидаги қарори программ-ҳужжат бўлди.

Шу билан бирга партия ҳужжатларини алмаштириш шуни кўрсатдики, биз сиёсий-тарбиявий ишларда ҳамма вақт ҳам кишилар онгига чуқур кириб бормаймиз. Коллективларда, студентларнинг ётоқхоналарида, меҳнаткашларнинг турар-жойларида тарбиявий ишлар қониқарсиз йўлга қўйилганлигига оид фактлар йўқ эмас. Кўпгина коммунистлар янги партия билетларини олаётганларида ана шу масалага эътиборни жалб этдилар. Айрим партия ташкилотлари коммунистлар ва партиясизларни лекция ва суҳбатларга тўла жалб этиш, тўгараклар, мактаб машғулотларида мунтазам қатнашишлари тўғрисида ғамхўрлик қилмадилар. Ғоявий-тарбиявий ишлар одамларнинг онгига қандай таъсир қиляпти? Уларни коммунистик қурилиш вазифаларини бажаришга амалда сафарбар этяяптими, йўқми? Бу масала билан етарли даражада қизиқилмаётир.

Ғоявий-тарбиявий ишларни бундан буён янада такомиллаштириш кўп жиҳатдан идеология надрларининг сифат составига ва марксча-ленинча тайёргарлигига, ҳаётан қанчалик чуқур билишлари, маҳоратларига боғлиқдир.

Яқинда КПСС Марказий Комитети «Белоруссия партия ташкилотида идеология кадрларини танлаш ва тарбиялаш иши ҳақида» қарор қабул қилди. Бу қарордан барча партия комитетлари ва бошлангич партия ташкилотлари тегишли хулосаларни чиқариб олишлари керак.

Партия ҳужжатларини алмаштириш муваффақиятли амалга оширилганлигининг яна бир белгиси шундаки, деб қайд қилди докладчи, бу муҳим сиёсий тадбирга тайёргарлик кўриш жараёнида ташкилий-техник ишлар ҳам яхши бажарилди. Ҳужжат алмаштириш билан боғлиқ бўлган ишда штатдаги партия аппаратининг кучидан, шунингдек, бошқа корхона ва муассасалар партия ташкилотларидан таклиф этилган коммунистлар кўмагидан фойдаланилди.

Партия ҳужжатларини алмаштириш кучларимизнинг жанговар кўриги бўлди. Область партия ташкилоти, унинг ҳар бир звеноси, ҳар бир коммунист КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш йўлида қандай иш олиб бораётганлигининг ёрқин ойнаси сифатида хизмат қилди. Партия ҳужжатларини алмаштириш якуни ишимизнинг натижаларини чуқур таҳлил этиш, бундан буён олдимизда турган халқ хўжалиги вазифаларини ҳал этишда нималарга эътибор бериш кераклигини белгилаб олишда катта роль ўйнайди.

* * *

В. В. Окунский

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ

ВОЛГОГРАД ОБЛАСТИ. Л. Ахрамеева К. Маркс номли колхознинг энг илғор сут соғувчиларидан бири. Меҳнат Қизил Байроқ орденли сут соғувчи якунловчи йилда ҳар бош сигирдан 3250 килограммдан сут соғиб олишга қарор қилган. Илғор колхозчи юксак мажбуриятини адо этиш учун самарали меҳнат қилмоқда. Суратда: Л. Ахрамеева.

Н. Суровцев фотоси.

АМУ ОБЛАСТИ. Желтулакс районидаги «Ленин Октон» колхози Узоқ Шарқдаги энг яхши овчилик хўжаликларидан биридир. Мингдан ортиқ олмахон ва сувсарларни тутишга муяссар бўлган И. Татаканов хўжаликнинг уста овчиларидан бири. Суратда: И. Татаканов ўлжаси билан.

В. Мариковский фотоси.



ИВАНОВО. Тўқимачилик комбинати цехларидан бирининг кўриниши.

ТАСС фотохроникаси.

ЎША ЙИГИТ УЧУН

Москвалик Игорь Скриник ва Ирина Бондареваларнинг Буюк ғалабанинг 30 йиллиги шарафига «Ўзим учун ва ўша йигит учун!» шиори остида бошлаган ватанпарварлик ташаббуси ҳамма жойда кенг қулоч ёйди. Тошкент тўқимачилик комбинатининг кўплаб комсомол-ёшлари ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватламоқдалар.

— Тўғри, уч-тўрт кишининг яна бир киши учун қўшимча маҳсулот ишлаб чиқариши осон эмас, — дейди комсомол-ёшлар бригадасининг бошлиғи Г. Хегай. — Лекин, худди бизнинг ёшимизда қон кечиб, Ватанимизни ҳимоя қилишга отланган ва оғир жангда ҳалок бўлган ўша йигитга осон бўлган дейсизми?..

Г. Хегай бошчилигидаги бригада аъзолари Ғалаба байрамигача ҳар ой план топшириқларини 8 процент ошириб бажаришга аҳд қилишди. Шундан 3 проценти «Ўша йигит учун» ишлаб чиқарилади. Бу мажбуриятни муваффақиятли адо этиш учун маҳоратни ошириш, вақтдан рационал фойдаланиш лозим бўлади. Натижада, 9-майгача «Ўша йигит учун» пландан ташқари 63 минг метр газлама пардоздан чиқарилади.

ЙИЛЛАР, ЙЎЛЛАР, МАНЗИЛЛАР

Бўлиб ўтган воқеа тушдек, бир лаҳзада рўй бергандек туюлди унга. Кечагина қадрдон мактаб билан ҳайрлашган йигит бугун киндик қони тўкилган хонадонни, ёру дўстлари, қолаверса серқуёш диёрини тарк этяпти. Олдинда уни нималар кутяпти, тақдир шамоли қаерларга етаклайди, кимларга тўқнаштиради, ҳаммаҳаммаси сирли жумбоқ пардасига ўралган. Боғ-роғлар билан ўралган жонажон шаҳрига қачон қайтади, қайтишнинг ўзи насиб этармикан? Масаланинг шу томонигина йигит қалбига соя ташларди.

Лекин бутун вужудини тўлқинлантираётган бошқа бир туйғу уни юпатарди, далда берарди, ҳаяжонга соларди. «Бугундан эътиборан ватан ҳимоячисисан. Она сути каби унинг тузини оқлашинг ҳам қарз ва фарз»...

Пенза билан Тамбов шаҳарлари яқинидаги Селекс разъездида эшелон тўхтади. Ўзбекистонлик жангу-жадалга отланган йигитлар қисмларга белгиланишди. Тез орада машқлар ҳам бошлаб юборилди.

Қаҳрамонимиз, тошкентлик Содиқ ака Умаров махсус взводга бириктирилди.

Бу пайтда Москва ҳамда Сталинград остоналарида бирин-кетин қақшатғич зарбага учраган немис босқинчилари эўр бериб жанг майдонларида ташаббусни ўз қўлларига олиш учун қутуриб ҳужум қилардилар. Сталинград халқаси эса ҳали тугатилмаганди.

Пулемет, миномет билим юртида ўқишлар тўсатдан тўхтатилиб, тинч уйқуда ётган курсантлар номаълум томонга олиб кетилди. Сўнгра тўла бажарилди...

Дивизия душманни таъқиб этишни давом эттирди. 1943 йилда кичик офицерлар курсини тамомлаган Содиқ ака 73-Сталинград дивизиясининг Воронцаев номли 13/10 полкига взвод командири вазифасига тайинланди. Марипул-Николаев йўналишида кўрсатган жасорати ҳамда душман танкини ёндиргани учун у иккинчи даражали Улуғ Ватан уруши ордени билан тақдирланди.

Ҳамшаҳаримизнинг босиб ўтган жанговар йўллари, унинг кўрган-кечирганлари, фронт лавҳалари тўғрисида батафсил ҳикоя қилиш имкониятига эга эмаслигимизни назарда тутиб, старший лейтенант хотираларидан мисоллар келтириш билан чекланамиз. Ваҳоланки, унинг кўксини безаб турган беш орден ва ўнларча медаллар мардлиги, жасоратининг тимсолидир.

Содиқ ака Умаров Молдавия тупроғини озод этишда иштирок этган жангоҳлардан бир лавҳа.

— Бу вақтга келиб дивизия... диқ ака шу йўсинда 19 дивизия сафига қўшилди. У взвод командири вазифасига тайинланди. Курсант кийимини алмаштирмаган йигитлар эртаси куниёқ Мичўринск шаҳрида душманга қарши жангга кирдилар. Бу — Тарас Шевченко операциясининг муқаддимаси эди.

— Белоколодец қишлоғи темирйўл станциясига туташ бўлиб,— эслайди дастлабки кунларни Содиқ ака Умаров,— бир ёғи қирликка туташ эди. Истеҳком ясаб, ҳужумга шайланиб турдик. Тонгда мақсадимизни сезиб қолган душман позициямизни роса тўплардан ўққа тутди. Артиллерия тайёрларлиги тўғар-тўғамас, осмонда самолётлар пайдо бўлди. Кеча билан кундузнинг фарқи қолмади. Бомбаларнинг портлаши, снарядлар увлаши, ярадорларнинг аянчли нидолари кишини ваҳимага соларди. Взводимизнинг зиммасига ҳужумга ўтиши эҳтимол қилинган танклардан пиёда аскарларни ажратиб қўйиш ва яксон этиш вазифаси юклатилганди.

Кутилгандек бироздан сўнг душманнинг танклар ўрмалаб келаётгани кўзга ташланди. Жангчиларимиз танкка қарши қуроллар, граната ҳамда ёнилғи солинган шишалар билан қуролланган эдилар. Жанг ниҳоятда қизиди. Отишма қоронғулик чўккунча давом этди. Бироз ўртага жимлик чўккач, взвод эгаллаб турган позицияни айланиб чиқдим. Талофат катта эмасди, икки пулемёт ишдан чиққан, уч жанговар ўртоғимизни йўқотган эдик. Ярадор бўлган икки кишини орқадаги далагоспиталига юбордик. Шундай бўлса-да, қўмондонлик буйруғи билан ҳамкорликда душманни муқаддас тупроғимиздан қувиб чиқараётган эди, —дейди Содиқ ака.— Ҳар биримизнинг фикри-зикримиз малъун душманни тезроқ енгиш-у, тинч, осуда ҳаётга қайтишга қаратилган. Шунинг учун бўлса керак, безгак билан оғриб қолганимга қарамай, жанговар дўстларимдан ажралишни истамасдим, хасталигимни командирлардан сир тутардим. Лекин бўлмади. Дала госпиталида даволанишдан ўзга чора қолмади.

Кунгабоқар пишган кезлар эди. Дала госпитали яқинида хўжалик взводи ҳам жойлашган экан. Ҳамма ўз иши билан банд. Вақт кечга яқинлашиб қолган. Фурсатдан фойдаланиб, уйга икки энли хат ёзиб юборишга аҳд қилдим. Шу пайт ўрмон ёқда уч отлиқ пайдо бўлди. «Ўзимизникилар» деб ҳеч ким уларга эътибор бермади. Бинобарин, мен ҳам.

Орадан бир соатча вақт ўтди чоғи. Кимдир тўсатдан «немислар» деб қичқириб юборди. Беихтиёр отлиқлар кўринган болғи томонга ялт этиб қайрилдим. Ҳақиқатда, ўнларча фашистлар саф тортиб устимизга бостириб келарди.

Очиғини айтиш керак, олдинига саросимада қолдик. Кейин ўзимизни тутиб, қуролга ташландик. Мен хўжалик взводига югуриб у ердаги аскарларни эргаштириб қайтдим. Душман ниҳоятда яқинлашиб қолганди, найзабозлик бошланиб кетди. Шу куни тўқнашувда икки фашистни ер тишлатдим. Немислар орқага қайтгач маълум бўлдики, кутилмаган: «меҳмонлар»имиз ўровда қолган душман роҳаси жангчилари экан. Қўмондонлик ўша кунги ҳатти-ҳаракатимни Қизил байроқ орденига лойиқ топди...

Содиқ ака Умаровни иккинчи Қизил байроқ орденини 1945 йилнинг февралида, Кюстрен-Одер жангларида кўрсатган қаҳрамонлиги учун олди.

Учинчи даражали Богдан Хмельницкий ордени тарихи ўзбек йигитининг рота команди ри вазифасида Варшава йўналишидаги Сандамирск плацдарми операциясида иштироки билан боғлангандир. Жанговар қисмларимизнинг Висла дарёсидан ўтишини таъминлашда кўрсатилган қаҳрамонлик рамзи сифатида Содиқ ака учун бу мукофот алоҳида аҳамиятга эгадир...

Содиқ ака уруш йиллари каби ҳозир ҳам ўзининг меҳнат постида бошқаларга намуна кўрсатиб келаётир. «Фотореклама» комбинатининг марказий лабораторияси бошлиғи. Ойлик, йиллик планларнинг знёдаси билан бажарилишига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўз навбатида биз ҳам Улуғ Ватан уруши ветерани бундан буёнги ишларида сиҳат-саломатлик, узоқ умр тилаймиз.

Я. САЛИМОВ.

ВЕТЕРАНЛАР ХИЗМАТИДА

Магазинга кириб келган киши ўзини таништирди:

— Қўчқор Пиримқуловман. Таклифингизга мувофиқ келдим.

Марҳамат, ўтиринг,— жой кўрсатди магазин директори Алихон Азизов.— Биз Улуғ Ватан урушининг биринчи группа инвалидлари учун алоҳида савдо хизмати кўрсатишга киришдик. Совет Армияси куни, Буюк Ғалабанинг 30 йиллиги олдидан байрам савдолари уюштираяпмиз. Кўнглингизга ёққан моллардан танлаб олишингиз мумкин. Яна нима керак бўлса, марҳамат, буюртмаларингизни ёзиб қолдиринг. Навбати билан уларни ҳам етказиб берамиз.

Қўчқор аканинг кўнгли тоғдек кўтарилди. «Ҳукуматнинг ташвишидан айланай,— деб қўйди ичида.— 120 сўм пенсия белгилади, бепул «Запорожец» машинаси берди, қанчаданқанча қулайликлар... Мана энди биз учун алоҳида савдо ҳам уюштирилибди. Бўлмаса, фронтда ҳамма қатори жанг қилган эдик».

Қўчқор ака Пиримқулов 1-Украина фронтида курашган 53-дивизия 52-ўқчи полкининг оддий солдати эди. Аввал Курск учун бўлган жангларда қатнашди. Яраланди. Соғайиб, яна қўлига қурол олди. Комаровка қишлоғида душман қуршовини ёриб чиқиб, Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди. Кейин Полтава учун қаттиқ жанг бўлди. Қўчқор ака олдинги линияда душман дзоти томон эмаклаб, бораётганида ёнгинасига снаряд тушиб портлади. Шундан кейин нима бўлганини эслайолмайди. Кўзини очганида икки оёғи йўқ эди...

— Байрам олдидан бизни ясантирар экансизлар-да,— деди Қўчқор ака табассум билан.

— Биргина сизни эмас, оила аъзоларингизни ҳам,— қўшиб қўйди Алихон ака.— Кремплин куйлаклар, жерси пальтолар, костюмлар — ҳаммаси сизлар учун.

— Бўлмаса, ўзимга костюм, қизларимга иккита кремплин куйлак олақолай. Ҳадемай ўғлим ҳам армиядан қайтади. Унга атаб битта костюмни буюртма қиламиз.

Ўша куни Қўчқор ака магазиндан хурсанд бўлиб чиқиб кетди. К. Вертуозов, М. Баладурин, А. Мукин каби уруш ветеранлари ҳам магазиндан ўзларига ёққан кийим-бошларни харид қилиб, таклифлар дафтарига қалб ташаккурини ёзиб қолдирдилар.

«Ташшвейторг»га қарашли 36-магазинга ҳар куни уруш ветеранлари келиб туришипти. Муқаддас Хўжаева, Тожихон Абдуллаева, Зинаида Муракаева каби чаққон савдо ходимлари ветеранларга хизматни ўрнига қўйишяпти.

Суратда: Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Қўчқор Пиримқулов янги костюмни кийиб кўраяпти.

А. Абалян фотоси.

ХАНДАЛАР

ИМТИҲОН ВАҚТИДА

Инструктор ҳаваскор шофердан сўради:

— Шофер қайси пайтда «Тўхтанг!» деган сигналга риоя қилмайди?

— Пиёда юрган пайтида.

УЗОҚНИ КЎРИБ

— Биласизми, эски квартирамдан кетганимда, уй эгаси ортимдан йиғлаб қолган эди,— мақтанибди янги квартирант.

— Бўлиши мумкин,— дебди уй эгаси.— Лекин мен бундай қилмайман, чунки квартира ҳақини олдиндан олиб қўяман.

МИЛИЦИЯ БЎЛИМИДА

— Трамвайда бир шиша коньягимни эсимдан чиқариб қолдирибман. Сизга олиб келиб беришмадими?

— Йўқ, коньякни келтирмадилар.

Лекин уни топиб олган кишини гирт маст ҳолда олиб келишди.

ҲАЙФ МАСАЛА

Арифметика дарси борарди.

— Шаҳарнинг икки четидан марказга томон икки юк машинаси келарди. Бирининг тезлиги соатига 90, иккинчисиники эса 100 километр. Хўш машиналар қаерда учрашади?— сўради ўқитувчи.

— Автоинспекцияда,— дарров жавоб берди ўқувчи.

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Ўтган йил областимиз колхоз-совхозларида 15 дан ортиқ болалар боғчалари фойдаланишга топширилди. Биргина Ўрта Чирчиқ районининг узида бешта болалар муассасаси ишга туширилди. Яқинда райондаги «Партия XXII съезди» колхозида ҳам 90 ўринли болалар боғчаси қуриб битказилди.

Беш йилликнинг сўнгги йилида областимиз хўжаликларидаги болалар муассасаларини 1540 ўринга кенгайтириш мўлжалланмоқда. Шу кунларда Қуйи Чирчиқ районидаги луб заводи ўз оталиғидаги хўжаликка болалар боғчаси қуриб беряпти. Йил охиригача Янгийўл районидаги Свердлов номли, Оққўрғон районидаги Султон Сегизбоев номли совхозлар ва бошқа хўжаликларда болалар боғчалари ва яслилари кичкинтойларни ўз бағрига олади.

ЭКРАНДА РЕСПУБЛИКА СОЛНОМАСИ

Ўзбекистон ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар студияси республиканинг олтин тўйи кунларида «Ленин ва Ўзбекистон» номли йирик ҳужжатли фильмнинг уч қисмини суратга олиб, томошабинларга тортиқ қилган эди. Улуғ айём кунларида намойиш этилган республика ҳаёти солномасининг лента лари Ўзбекистон маданий ҳаётида катта воқеа бўлди.

Яқинда киноҳужжатчи, СССР халқ артисти Малик Қаюмов бошчилигидаги киноҳужжатчилар ўзларининг юбилей йили ижодий программаларини тугатдилар. «Ленин ва Ўзбекистон» ҳужжатли киноэпопеясининг сўнгги тўртинчи қисми — «Ўзбекистон бугун» («Юбилей йилининг репортажи») деб номланган тўлиқ метражли фильм ниҳоясига етказилди. Яқин кунлар ичида бу ҳужжатли картина экран юзини кўради.

Реклама ва эълонлар

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

Тошкент область Комсомол комитети | Муқимий номли Ўзбек Давлат музикали театрида

18 ФЕВРАЛЬ КЕЧ СОАТ 7 ЯРИМДА

ЁШ ТАЛАНТЛАР КОНЦЕРТИ

«МАРҲАБО ТАЛАНТЛАР», «ЧАШМА», «ЗЕҲН» республика телевизион конкурси лауреатлари қатнашадилар.

ПРОГРАММАНИ — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист БАХТИЕР ИХТИЕРОВ ва ҲУСАН ШАРИПОВлар олиб боради.

Билетлар сотилган.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — МОСКВА. 16.50 — ТОШКЕНТ. 16.55 — Ёш киноҳаваскорлар клуби. 17.35 — «Олтин шайба» клубининг мукофоти учун. 18.25 — **«Ахборот».** 18.40 — **Оламга саёҳат.** 19.40 — Мусиқа жавони. 20.40 — **«Ахборот».** 21.00 — **Парвона** (спектакль). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 Спектаклнинг давоми. 24.00 — МОСКВА. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 10.00 — ТОШКЕНТ. 10.05 — Янгиликлар. 10.15 — Концерт. 10.50 — **Экран ҳандаси.** 11.30 — Ота-оналар учун консультация. 13.00 — Ўқув кўрсатуви. 16.50 — МОСКВА. 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мўъжизасиз мўъжизалар. 20.15 — Спорт кўрсатуви. 20.25 — Катталар учун мультфильмлар. 21.05 Телеминиатюралар. 22.00 — Ҳужжатли кино экрани (Тошкент). 22.30 — Кинопанорама. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 16.50 — ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

КИНО

Тонг — «ЎЗБЕКИСТОН», НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (10.20, 13.00, 16.30, 21.00), «ҚОЗОҒИСТОН» (11.00, 15.00, 19.00, 21.00), «МОСКВА» (12.30, 21.15).

Севишганлар қиссаси — «ҚОЗОҒИСТОН» (12.00, 13.00, 16.00, 17.00, 20.00), «ДРУЖБА» (11.00, 12.00, 14.00, 17.00, 18.00, 20.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Долзарб ой — «ЧАЙКА», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (14.00, 16.30, 19.00).

Привалов миллионлари (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Ёмғир изларни ювиб кетди — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА—15/II да **Князь Игорь,** 16/II да **Этик кийган мушук** (12.00), **Жизель** (19.00).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/II да **Абу Райҳон Беруний,** 16/II да **Қароқчилар** (кундузи), **Оқшомдан тушгача** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 15/II да **Жоним фидо,** 16/II да **Туркман қизи** (12.00, 19.30), 17/II да **Олифта.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 15/II да **Нон, қон, инсон** (19.00), 16/II да **Беш кунлик куёв** (17.00).

Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар педагогика институти ректорати, партия ва касаба союз ташкилотлари Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министри, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, филология фанлари доктори, профессор Ғ. А. Абдурахмоновга отаси

Абдурахмон МАДИЕРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти коллективи нашриётнинг кекса ходими, пенсионер

Михаил Андреевич ТУЛУЗАКОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдиради ва марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Спорт

„МЕҲНАТ“ — СОВРИНДОР

Киевда ўсмирлар ўртасида сув полоси бўйича СССР чемпионати биринчи даврасининг группа турнири бўлиб ўтди. Турнирда Олмаота, Киев ва Москва динамочилари, Бокунинг ККФ командаси, Ленинграднинг «Балтика» ва Тошкентнинг «Меҳнат» ватерполчилари қатнашишди.

Ҳамшаҳарларимиз машҳур командалар билан курашда, совринли учинчи ўринни олишга муваффақ бўлдилар. Биринчи ўринни эса «Динамо» (Киев) ватерполчилари ишғол қилдилар.

УНВОН МУБОРАК

Бутуниттифоқ ягона спорт классификацияси талаб ва нормативларини бажарганлари учун СССР физкультура ва спорт комитети ўзбекистонлик бир группа спортчиларга СССР спорт мастери унвонини берди.

Фахрий унвонга сазовор бўлганлар орасида бекободлик қайиқ ҳайдовчилар А. Грошев, В. Докшин (иккаласи ҳам «Меҳнат» жамиятидан) ва чирчиқлик оғир атлетикачи И. Пак бор.

САФАР ТУГАДИ

Польшанинг Совет Иттифоқи бўйлаб бир қатор ўртоқлик матчлари ўтказаётган ГКС клуби футболчилар охирги учрашувни Симферополь шаҳрида маҳаллий «Таврия» командаси билан беллашдилар. Бу учрашув симферополликлар фойдасига 3:2 ҳисобида тугади.

Дўст мамлакат футболчилари бунгача Ереваннинг «Арарат» командасини 3:1 ҳисобида енгиб, СССР олимпия терма командасига 0:1 ҳисобида ютқазган эдилар.

9-ПАРТИЯ КЕЧИКТИРИЛДИ

Аёллар ўртасида шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун даъвогарлар Н. Александрия ва И. Левитина ўртасидаги навбатдаги матч 41-юришда кечиктирилди. Кечиктирилган вазиятда Левитинада ғалаба учун имкониятлар бор.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и облисполкома

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р—02220. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри. Индекс 64634 Б—2462.